

Ушбу сонда:

2 Ижтимоий ҳимоя БАРЧА БИРДЕК ЭЪЗОДА

3 Милиция патрул пости хизмати ҳаётидан БЕЗОРИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

4 ТЕННИС БЎЙИЧА «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ КУНДАЛИГИ



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 сентябр, чоршанба № 145 (1159)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ - ОЛИЙ БУРЧ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар! Хурматли депутатлар! Самарқанд - ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва қоналари билан шўхрат қозонган дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида минг-минглаб мухлислари ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг гурур ва ифтихорига айлангани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.



Бунинг тасдиғини куни кеча мана шу гўзал шаҳарда бўлиб ўтган, Шарқ Фарбнинг машҳур санъат намоёндалари эътиборини ўзига тортган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали мисолида яна бир бор кўрдик.

Сўнги ўн йил мобайнида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинди.

Янги-янги корхоналар, турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилгани вилоятнинг салобатини ортиб бораётганидан, ислохотларни жорий қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Жорий йилда вилоятда макроиктисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланаётгани, 2001 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 4,7 фоизга ўсганини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, бутун Самарқанд вилоятининг қиёфаси ўзгариб бораётганига, ҳаётнинг барча соҳаларида замон талаб этаётган янгиланишларга юз тутаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ютуқлар, аввало, шу заминда яшаётган одамларнинг меҳнати, изланиши, фидоқорлиги натижасида кўлга киритилаётганини, албатта, эътироф этамиз.

Лекин, бевосита бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалага ўтар эканмиз, биз эришган ютуқлар ҳақида эмас, балки кўпроқ афсус ва таажжуб уйғотаётган камчилик ва муаммолар ҳақида гапиришимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар! Мана шу минбардан туриб, сизлар билан илгари ҳам Самарқанд вилоятини ривожлантириш ҳақида, умуман, юртимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳавасини тортаётган ўзгаришлар тўғрисида, олдимизда турган турли муаммолар ҳақида кўп гаплашганмиз. Мана шу залда Самарқанднинг тор таёған ўзгаришлар тўғрисида, олдимизда турган турли муаммолар ҳақида кўп гаплашганмиз. Мана шу залда Самарқанднинг тор таёған ўзгаришлар тўғрисида, олдимизда турган турли муаммолар ҳақида кўп гаплашганмиз.

Бундай мулоқотларнинг менга мамнуният бағишлайдиган жиҳати шундаки, вилоятдаги аҳвол, мавжуд нуқсон ва камчиликлар ҳақида гапирганда, ҳар доим Самарқанд вилояти жамоатчилиги, халқ ноиблари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар нақадар ўринли бўлганига, улар мана шу тупроқда яшаётган одамларнинг, халқнинг қарашлари ва хулосаларига ҳамоҳанг эканига гувоҳ бўламан.

Шу маънода, сизлар Самарқанд вилояти аҳлининг дарду ташвишларини, кайфиятини яқиндан билган одамлар сифатида бугунги вазиятга ҳолисона ва тўғри баҳо берасизлар, вужудга келган аҳволни тузатишда бир ёқадан бош чиқариб, вилоят олдида турган барча муаммоларни ечишда баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиласиз, деб ишонаман.

Самарқанд вилоятидаги ишларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу ердаги ислохотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари, одамларнинг оғирини енгил қилиш, энг муҳими, мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, **масалани ҳал қилувчи кенг омма, шаҳар**

ва туманлар фаоллари, фидойилари билан тил топишиб, уларнинг бошини қовуштириб, барчасини умумий мақсад сари сафарбар этиш, бошқариш масалаларида заифлик кўзга ташланаётгани ҳақида катта афсус билан гапиришга тўғри келади.

Халқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятда олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Бунинг устига, маҳсулот таннархининг юқорилиги, сифатининг пастлиги, маркетинг ишларидаги камчиликлар сабабли 14 миллиард сўмлик маҳсулот оғирларда чанг босиб ётибди. Вилоятда «омбор учун ишлаш»дек яроқсиз иш усулидан ҳали-бери воз кечилмаётганини таъкидлаш зарур.

Уз вақтида вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилмагани туфайли тикувчиликка ихти-

сослашган «8 март», пойфал ишлаб чиқарувчи «Маҳси» каби корхоналарнинг қувватлари бекор турибди. «Алломиш», «Кинап» ва «Лифтсозлик» сингари йирик саноат корхоналари эса тўла қувват билан ишламаяпти. Энг ачинарлиси шундаки, бу аҳвол ҳеч кимни бевозта қилмапти.

Акс ҳолда, бу корхоналарнинг аҳволи яхшилаш борасида вилоят раҳбарияти томонидан бирон-бир тадбир ишлаб чиқилган бўлур эди.

Айни пайтда дўконлар эса валюта ҳисобига сотиб олинган чет эл пойфазалари ва кийим-кечаклар билан тўлдирилмоқда. Бундай лоқайдлик ва бепарволик оддий одамларимиз учун қанчалик қимматга тушаётганини англаб етиш наҳотки шунчалик қийин бўлса?

Ахир, неча марта айтиш мумкин - қачон биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш қувватларимиз ва маҳаллий ҳомаш ҳисобидан, керак бўлса, хорижий сармояларни олиб келиб, улардан тўғри фойдаланиб, қўшма корхоналар ташкил этиб, энг муҳими, мана шу заминда яшаётган одамларни иш билан таъминлаб, зарур маҳсулотлар тайёрлашга ўргатамиз?

Биз одатда Самарқанд вилоятининг экспорт салоҳияти ҳақида гапирганда, «СамҚОЧавто», «Самжинтекс» ва «ЎЗБАТ» сингари замонавий қўшма корхоналарни тилга оламиз. Лекин, бу корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилганини унутмаслик керак.

Бевосита вилоят раҳбарияти томонидан чет эл инвестицияларини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналарни ривожлантириш борасида эса, афсуски, аниқ ҳаракатлар сезилмапти.

Масалан, жорий йилда режалаштирилган 8 та қўшма корхонадан фақатгина 2 таси ишга туширилган, холос. Мавжуд 5 та қўшма корхона вақтинчалик, 6 та

қўшма корхона эса бутунлай ўз фаолиятини тўхтатгани ҳам бу масалага етарли эътибор берилмаётганидан далолатдир.

Хурматли депутатлар! Самарқанд вилоятининг мамлакат агросаноат мажмуида муҳим ўрин эгаллашини барчангиз яхши биласиз. Бу ерда пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Энг муҳими, бошқа вилоятларга қараганда унмудор ерлар кўп, қадимий деҳқончилик анъаналарига эга бўлган Самарқанд меҳнат аҳли ўзининг миришкорлиги билан маълум ва машҳур.

Лекин ана шундай имкониятлар мавжуд бўлишига қарамадан, қишлоқ ҳўжалигидаги аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Вилоятда давлатга пахта сотиш режаси кейинги уч йилдан буён бажарилмасдан келмоқда. Мана шу давр мобайнида давлатга режага нисбатан 100 минг тонна пахта кам етказиб берилди.

Умуман, Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида бугун вужудга келган вазият ҳақида, мавжуд камчилик-нуқсонлар ҳақида гапирганда, аввало, мавжуд, уларнинг илдизлари, сабабларини қидириш керак, деб ўйлайман.

Бу ҳолинг илдиз ва сабаблари эса, биринчи навбатда, ислохотларнинг тўғри йўлга қўйилмагани ва нихоятда суст бораётгани, деҳқон зоғига эътибор кам бўлгани, унда мулкка эгалик тўғрисидаги тарбиялаш ва зарур шартот тўғрисида бериш масалаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, маъсул раҳбарларнинг онгу тафаккури ўзгармаётгани, уларда эскича қараш, эскича фикрлаш ҳамон ҳўқирон бўлиб қолаётганидир.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини муборакбод этмоқчиман. Дарҳақиқат, ўтган ўн йил мобайнида жуда кўп ютуқларга эришилди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги фаол иштирокини, шунингдек мамлакатингиз Ташкилотга аъзо бўлган пайтдан буён гўзал мамлакатингизнинг муваффақиятли равишда демократик ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча соҳаларда биз ўрнатган амалий мулоқот ва ҳамкорликни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Мана шундай самарали ҳамкорликнинг бундан буён ҳам давом эттирилишига ишонаман.

Самимий эҳтиром ила,
Ян КУБИШ,
Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари! Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллашдан бахтиёрман. Мамлакатингизнинг ўтган ўн йил мобайнидаги тараққиётига қувонч ва катта хурмат билан назар таштайман.

Ўзбекистон одим ташлаб бораётган катта истиқболга эга бўлган йўл Сизнинг фаолиятингиз самарасидир. Мана шундай ижобий ривожланишда ва ислохотларингиз ҳамда истиқбол йўлини кўрсатувчи дастурларингиз рўйбга чиқишида Сизга бундан буён ҳам улкан муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон билан Сименс фирмасини кўп йиллардан буён ишончли шерикли ришталари боғлаб турибди. Биз мана шундай яхши ҳамкорлик давом эттирилишини ва кенгайтирилишини астойдил хоҳлаймиз. Бизга хайрихоҳлик билан мадад бериб келаётганингиз учун Сизга чуқур ташаккуримни изҳор этаман.

Сизга ва оилангизга энг эзгу тилаклар йўллаб қолам.

Қамолти эҳтиром ила,
Хайрих фон ПИРЕР,
Сименс акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадри Президент Жаноблари, Мен президентни бўлмиш Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикасини Мустақиллигининг 10 йиллик юбилейи билан муборакбод этмоқчиман.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ушбу тарихий воқеадан гурурланса арзийди. Ўзбекистон кейинги 10 йил мобайнида Сизнинг раҳбарлигингизда тўла эркинликка, демократия ва ташқи дунё учун очикликка интилаётган жамиятнинг шакллантиришда катта тараққиётга эришди. Хусусан, Сиз мамлакатингизни жаҳондаги жуда кўпball савдо шериклари ва етакчи компанияларнинг инвесторлари учун жозибадор мамлакатга айлантирдирдингиз. Ўз навбатида, ана шу ва бошқа компаниялар Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг бахт-саодати йўлида замонавий ва раванг топаётган бозор иқтисодиётини барпо этишда унга ёрдам бермоқ учун ҳамкорликка ҳамиша тайёрдирлар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг маъзур тарихий юбилейи шарафига яна бир бор Америка савдо-саноат доиралари номидан қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Энг эзгу самимий тилаклар билан,
Лоуренс КУРЛАНДЕР,
Америка-Ўзбекистон савдо палатаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2001 йил 11 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ш.М.Мирзиёевни Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2001 йил 11 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Э.М.Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Эркин Маҳмудович Рўзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2001 йил 11 сентябр

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

11 сентябр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Самарқанд вилоятининг Олий Мажлисига сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тугган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Ўтган ўн йил мобайнида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида талай ишлар қилинди.

Лекин сўнги пайтларда вилоятда мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, кенг омма, шаҳар ва туманлар фаолларининг бошини қовуштириб, бар-

чани умумий мақсад сари сафарбар этиш борасида талай камчиликлар борлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Хусусан, халқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантириш борасидаги ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Бунинг устига, маҳсулот таннархининг юқорилиги, сифатининг пастлиги, маркетинг ишларидаги камчиликлар сабабли 14 миллиард сўмлик маҳсулот оғирларда чанг босиб ётибди. Вилоятда «омбор учун ишлаш»дек яроқсиз иш усулидан ҳали-бери воз кечилмаётганини таъкидлаш зарур.

Уз вақтида вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилмагани туфайли тикувчиликка ихти-

бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Ш.Мирзиёевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Қарамони Д.Абдуллаев, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Б.Шаропов, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари ҳокимлари А.Жамилов ва М.Худоев, Самарқанд шаҳар хотин-қизлар кўмаси раиси Ф.Шокирова ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Анвар БОБОЕВ, Уйғун РЎЗИЕВ, УЗА муҳбирлари.

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

«Уйғойжамгармабанкнинг Қашқадарё вилоят бўлими бўш турган маблағларни халқ турмуш тарзини яхшилашга йўналтириш бўйича бир мунча ишларни амалга оширди».

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ИМТИЁЗЛИ

Президентимизнинг 1997 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида 1997 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамаси «Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Ҳужжатга асосан аҳолининг уй-жой шартотларини яхшилаш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш, инвестиция дастурига киритилган уй-жойларни барпо этиш тадбирлари белгиланган ва уни молиялаш хизмати «Уйғойжамгармабанк» зиммасига

бюджети ҳисобидан қопланса, 20 фоизи биринчи бадал сифатида аҳоли томонидан тўланади, — дейди бўлим

юклатилган эди. Масъулиятни чуқур ҳис қилган банк маъмурияти фуқароларнинг ижтимоий кафолатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, яшаш шартотларини яхшилаш, юридик шахслар ва аҳолининг уй-жой сотиб олиш ҳамда қурилишини кредитлашга яқиндан ёрдам бермоқда.

Ҳозирги пайтда банкнинг 600 нафардан ортқ мижози бор. Акциядорлар сони 382 нафарни ташкил этади. Кредит қўйилмалари 1 миллиард 132 миллион сўмдан иборат. Ярим йилликда банкнинг устав капитали 50 миллион 482 минг сўмни ташкил этди.

— Қурилаётган турар-жойлар умумий нархининг 50 фоизи давлат

бошлиғи Норбобо Раҳмонов. — Тўланадиган пулнинг қолган 30 фоизи банк томонидан ўн йил муддатга мижозга имтиёзли қарзга берилади. Банк хизматидан шу мақсадларда фойдаланганлар даромад солиғи тўлашдан озод қилинади.

Утган даврда бўлимда 94 та уй-жой жамғарма ҳисоб рақамлари очилди. Тўпланган маблағлар 15 миллион 997 минг сўмга етди. Шунинг 13,5 миллион сўми молиялаштиришга йўналтирилди. Банк томонидан уй-жой сотиб олиш учун 61 кишига салкам 22 миллион сўмлик кредит ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз тарихини ўрганамиз
СИРДАРЁЛИК САК МАЛИКАСИ

кўйлагидан 332 донга тилла тугма Сирдарё воҳаси ҳам ўзига хос тарихи ҳамда ёдгорликларига эга. Мухбиримиз «Сирдарё: кеча ва бугун» китобининг муаллифи Пиримқул Дўстматов билан шу ҳақда суҳбатлади.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» китобида ёзилишича, Сирдарё бўйларига яшаган қадимги халқлар хоразмликлардек кийинганлар. Ваҳоланки, шу китобнинг ўзида Хоразм давлатининг пойтахти Қонғи шаҳри бўлган, деб кўрсатилади.

Антик Қонғи шаҳри эса Сирдарёнинг шимолидаги Тошкент туманида жойлашган. Айни вақтда ўша ҳўжаликнинг номи яқинда «Қонғи» деб ўзгаририлди. Хулоса шуки, Хоразмшоҳлар давлати дастлаб Сир бўйида шаклланган, сўнгра эса ҳозирги ҳудудга кўчиб ўтган. Сабаби — аҳолиси чорвадорлар бўлиб, доимо ўтлоқлардан бошқа яйловларга кўчиб тирикчилик қилган.

Сир бўйида яшаган аждодларимизнинг ташқи қиёфасига келсак, улар ёқасиз узун чакмон кийиб юришган. Этаклари айланма, кўйи қисми эса мўйнали ёхуд гажимдор бўлган. Эраклар қулочинли учдов уч бурчакли қалпоқлар кийишган.

Этироф этиш жоизки, жангчи сакларнинг барча ташқи белгилари Юнон тарихчиси Геродот таассуротларига тўлиғича мос келади. Айрим топилмалар, масалан, Тожикистоннинг Сирдарё вилоятига туташ шимолий ҳудудда кашф этилган топилмалар бу хулосани тасдиқлайди.

Хусусан олганда, Геродот саклар ўзларининг жанговар отларини мисдан ясалган қўрак қалқонлари, олтин суви юритилган нўхта ва жиловлари, шунингдек, ўткир тигли мис найзалар, ўқлар ва ханжарларни ёдга олиб ўтади.

Сирдарё халқларининг барчаси қинли узун шамшир — «акканак» тақиб, узун ва кенг лозимларда юришган.

Аёллар либоси ҳақида бирор нарса дейиш анча мушкулроқ. Бироқ, Афросиёбда топилган аёллар ҳайкалчаларига қараб мулоҳаза юритадиган бўлсак, қадимги момоларимиз қизлик ва аёллик даврларида узун кўйлак кийишган ва лепақушли, узун энгли ва жимжамдор популки устки либосларда бўлганлар, пойабзал чармдан тикилган юмшоқ, учли шиппақлар бўлиб, тақинчоқлар, билакузуқлар тақиб, телпақча шаклидаги бош кийимда юрганлар.

Самарқанд вилоятидаги Челақ тумани Охунбобоев номи ҳўжалик ҳудудига бўлган тепалик қазилганда ноёб қабр топилгани ва у Сирдарё бўйида воёга етган сак маликасига тегишли эканлиги аниқланган.

Сирдарёлик сак маликасининг кўйлагидан 332 донга тилла тугма қадалганиги аниқланди. Бошида эса узун учли қалпоқча бўлган, оёқларининг ҳар бир бармоғида узукча ўхшатиб, тилла тақинчоқлар тақиб юрганлиги маълум бўлди.

Демак, мана шу аломатлар ва белгиларга асосланиб, қадимги аждодларимизнинг ташқи қиёфасини яратса бўлади.

Суҳбатдош:
 Нурилла ШАМСИЕВ,
 «Ишонч» мухбири.

Инсон, унинг саломатлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш бебаҳо иш. Маъмурият ҳамда касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси эса айнан шу вазифанинг тўлақонли бажарилишига хизмат қилади. Бу борада Қоровулбозор туманидаги «Узпартампонаж» корхонасида ҳам ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Айтиш жоизки, тумандаги корхоналарнинг аксарияти республика миқёсида бўлиб, уларнинг асосий вазифалари нефт ва газ-кончаларини излаб топиш, эски қудуқларни таъмирлаб, фойдаланишга топширишдан иборатдир. «Узпартампонаж»нинг вазифаси эса кон қидирувчиларини турли русумдаги юк машиналари билан таъминлашдир. Айни пайтда жамоанинг 280 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг асосий қисмини ҳайдовчилар ташкил этади. Ҳозирги пайтда ишчи-хизматчилар 300 метргача бўлган чуқурликда бурғилаш ишларини бажармоқдалар. Тўғри, мазкур техника анча эскириб қолган. Бироқ, ҳайдовчилар, инженер-техник ходимлар уларни бошқаришда оқилона иш юритиб, кўп йиллик тажриба ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ишда қатъий интизомга амал қилинади. Пайвандчилар ва мисчилар, ҳайдовчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Жамоа раиси Тошпўлат Ҳожиёв техни-

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ка хавфсизлигини ўз назоратига олган. Касба уюшмаси эса маданий, маънавий-маърифий ишларини намунали йўлга навий, маърифий йиғилиш ўтказилади. Уни масъул ходим Хайрулло Олимжонов олиб боради. Йиғилганлар кундалик

СЎЗДАН АМАЛГА ИШГА

кўйган. Маъмурият ва касба уюшмаси ҳамкорликда иш тутиши туфайли илгорлар ўз вақтида рағбатлантириб турилибди. Бунга ҳайдовчи Изом Норов, Отамурод Ёдгоров, шунингдек Тимур Тюменов, Михаил Судковецкий, Алдаёр Юсупов кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Маънавият ва маърифат» хонаси фаолият кўрсатиб турибди. Ҳар ҳафтада бир марта маъмурият нашрлари билан танишадилар. Шахматшашка, билирд ўйнайдилар. Хуллас, мароқли ҳордиқ чиқарадилар. Корхонада маъмурият ҳамда бошланғич касба уюшма кўмитаси томонидан меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар, ноғиронларни ҳам ижтимоий ҳимоялашга эътибор оширилган. Шунингдек, меҳнаткашларга моддий ёрдам кўрсатиш, дам олиш уйлари ва санато-

Фафур ШУКУРОВ,
 Бухоро вилояти.

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИШМАДИ

Наманганда меҳрибонлик ва ҳайрия ўн кунлиги ўтказилди. Анъанага кўра, у мамлакатимиз мустақиллиги байрамига бағишланган.

Жамоатчилик ҳайрия жамғармалари бўлимлари, вилоятнинг корхона, ташкилот, идоралари ўн кунлик ташкилотчилари бўлди. Тадбирнинг мақсади - етим-есирлар, ноғиронлар, эҳтиёжмандлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишдан иборат. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг ўзи қарийб 2,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Мазкур жамғарма кўмағида бир гуруҳ иккинчи ҳақон уруши ноғиронларига ноғиронлар аравачалари топширилди.

Ун кунлик давомида вилоятнинг барча 725 та маҳалласида байрам дастурхони ёзилди. 60 нафар келин-куёвнинг тўйи ўтказилди. Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг меҳрибонлик ўн кунлигига қўшган улуши 3 миллион сўмдан ошди. (ЎзА)

Қизим Замира Дадобоева билан маслаҳатлашиб, тикув цехи очдик. Зарур миқдорда кредит олиб, тикув машиналари ва ускуналар, хомашё келтирдик. Ҳозирги кунда оилавий жамоамизда 12 нафар чевар меҳнат қилмоқда.

Ишда муваффақиятга эришишнинг асосий омил — буюртмачиларнинг истак ва дидини ҳисобга олиб айтганини тайёрлаб беришдир. Дастлаб фаолиятимизни аёллар кўйлаклари тикишдан бошлаган эдик. Кейинчалик улар учун костюмлар тикишни ҳам йўлга қўйдик. Бажарган ишларимиз кўпчиликка манзур бўлганидан буюртмачилар сони ой сайин кўпаяверди. Орадан кўп ўтмай эркаклар кийимлари тикишни ҳам ўзлаштирдик. Аввалига костюм, кейинчалик плаш, пальтолар учун буюртмалар ола бошладик. Бизлар учун энг катта ташвиш хо-

моҳир чеварларнинг ойлиги бундан ҳам кўпроқ бўляпти. Уларнинг яхши ишлаши ва дам олиши учун ша-

ЭНГ МОҲИР ЧЕВАРЛАР БИЛАН БЕЛЛАШАМИЗ

масъ таъминоти бўлиб қолди. Зарур матолар топилмаган пайтларда чойшаблар, ёстиқ жилдлари, пахта тебриш учун этаклар каби буюртмаларни бажарамиз. Бундай нарсаларни тикувчи қизларимиз кунига юз донадан тикишади. Иш жараёни тўхтаб қолмаётганлиги учун ҳам улар иш ҳақларини вақтида, ҳар ойда 10-15 минг сўмдан олишяпти. Жамила Норматова, Ақида Ҳасанова, Наргиза Норматова каби

роит яратиб берганмиз. Имкониятларимизни чамалаб кўрсак цехларни кенгайтириб, хизмат турларини кўпайтириш мумкин экан. Муҳими, яна бир неча киши иш билан таъминланади. Эраклар кийимлари учун аъло сифатли материаллар, аёллар учун турли хилдаги қалпоқларни вақтида товланувчи матоларни асосан тижоратчилардан олиш мумкин. Оддий газлама ва бўзларни пул ўтказиш йўли би-

Соҳиба ИСРОИЛОВА,
 Пискент шаҳридаги хусусий тикувчилик корхонаси ҳисобчиси.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

Савол: касбий ўқитувчи, мактабда хорижий тилдан дарс бераман. Синфимда 28-31 ўқувчи бор, гуруҳларга қўшиб ўқитаётганим учун менга бирор имтиёз борми?

Насиба СИДДИҚОВА,
 Шахрисабз тумани, Жўра Элбоев номи жамоа ҳўжалиги.

Жавоб: мактабда сиздан бошқа хорижий тил бўйича мутахассис бўлмаганлиги туфайли, гуруҳларни қўшиб ўқитаётганингиз учун қўшимча пул тўланмайди. Агар йил бошида ушбу гуруҳлар 2 ўқитувчига бўлиб берилиб, ўқитувчилардан бирортаси касаллик варақасига чиқса ёки бошқа жойга ишга ўтиб кетганда тақдирда ва шунга ўхшаш ҳолатларда ўша ахратилган маблағ ҳисобидан сизга унинг гуруҳини ҳам қўшиб дарс берганингиз учун қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.

Савол: қўшни республикада жойлашган олий билимгоҳнинг ҳужжати билан Ўзбекистон ҳудудига ишласа бўладими?

У.СОДИҚОВ,
 Поп тумани, Гурумсарой кишлоғи.

Жавоб: Халқаро экология-гуманитария академиясининг Сариоғоч филиали қўшни республика ҳудудига жойлашгани туфайли, бу ўқув муассасасининг ҳужжати билан Ўзбекистон Республикасида ишлаш учун Ўзбекистон Давлат тест маркази, аттестация ва аккредитация бошқармасига ҳужжатлар топширилиб, уларнинг рухсати олинганда, республикада ишлаш ҳуқуқига эга бўласиз.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДАН ПАХТАЗОРГА

420 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этишга аҳду паймон қилган қашқадарёликлар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, йиғим-терим суръатини оширмоқдалар. Вилоят «Нуроний» жамғармаси ва вилоят касба уюшмалари Кенгазининг барча пахтакорларга мурожатидан руҳланган дала меҳнаткашлари ҳосилнинг бир миққолини ҳам нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш чора-тадбирларини кўришяпти.

Яқинда Қарши шаҳар меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими хайрли бир тадбирга қўл урди. Вилоят марказидаги «Болалар» маданият ва истироҳат боғида бўш ўринлар ярмаркаси ўтказди. Унда 423 нафар фуқаро катнашди. Шундан 215 нафарига турли ташкилотларда ишлаш учун йўлланма берилди.

Шаҳардаги маҳалла кўмиталари ташаббуси билан 285 киши Қарши туманидаги «Янгибоб» Темир Мирзаев, «Насиф», Косон туманидаги «Қўнғиртоғ», Нишон туманидаги «Пахтаобод», Чули Бегимқул номи жамоа ҳўжаликларида пахта териш учун жалб этилди.

Йиғим-терим авжи кизгин паллага кирган шу дамларда меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг ишчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган бу ташаббуси ҳар томонлама ибратлидир.

Ёлқин.



Сув — тириклик манбаи! У бор жойда ҳаёт яшайди, қақраб ётган замин экинзорларга, боғ-роғларга айланади. Қорақалпоғистон республикаси мамлакатимизнинг энг сув танқис ҳудуди ҳисобланади. Шу боис, Эллиқалъа туманида узунлиги 35 километр бўлган «Бўстон» канали қури-

Ҳаётда аjoyиб фазилатли инсонлар жуда кўп. Улар ўзларининг ҳалол меҳнати, омилиқлиги билан юрт қорига яраб, хайрли ишларни рўёбга чиқаришмоқда. Бирок ҳаётда ёмонлар ҳам йўқ эмас. Шу жиҳатдан қараганда, бозор ўғирсиз ҳам бўлмас экан. Милиция патрули пости ҳаёти билан яқиндан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Куйида Тошкент шаҳар ИИБнинг Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси таркибидаги «Отчопар» буюм бозори ҳудудига фаолият юритаётган милиция патрули пости хизмати жамоаси ходимлари томонидан жиноятчиликка қарши олиб борилаётган сый-ҳаракатлар ва унинг самараси хусусида фикр юритамиз. Маълумки, мазкур бозор — улкан савдо маркази. Бу даргоҳга ҳар кун изоқ-яқиндан, шунингдек, МДХ давлатларидан кўп қабил фуқаролар ташриф буюради. Шу боис тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борада бозор маъмурияти билан милиция патрули пости хизмати ҳамкорлигида кенг қамровли профилактик чора-тадбирлар амалга ошириляётганлиги диққатга сазовордир. Тадбирлар жараёнида айрим жиноятчиликлар ҳам очилиб қолмоқда. Масалан хусусий автоуловлар тўхташ жойида бир гуруҳ номаълум шахслар ўз оиласининг эҳтиёжи учун бозорга

келган фуқаро Шерали Примовга тан жароҳати етказиб, унинг сумкасидаги 1 миллион сўмни ўмариб кетишган. Режа бўйича олиб борилган

БЕЗОРИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

тёзкор тадбирлар натижасида милиция ходимлари кўп қабил босқинчилик ва талончилик жиноятини содир этган 7 кишидан иборат жиноий гуруҳини қўлга олишга эришди. Ҳозирги пайтда ана шу жиноий гуруҳнинг қилмишлари юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Талончилик гуруҳини қўлга олишда милиция ходимларидан Исмоил Қамба-

Милиция патрули пости хизмати ҳаётидан

ров, Бобур Раҳимов ва Равшан Валихўжаевларнинг хизматлари катта. Бозорга спорт либослари харид қилиш учун ташриф буюрган Муста-

тўхташ жойида «Нексия» энгил автомашинасидан 1500 сўм пул билан нарқарашли ўнта йирик сув қурилиш бошқармасининг 40 та эксковатор, 50 та булдозер, 33 та скрейпер, жами 129 та механизм ишламоқда. **Суратларда: «Бўстон» канали қурилишидан лавҳалар.** Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

жали профилактик ҳақда тёзкор тадбирлар туфайли жиноий ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баравар камайган. Чилонзор ИИБ тизими милиция патрули пости хизмати жамоаси бозор ҳудудига жамоат тартибини сақлаш, тадбиркорлар ва харидор-истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган сый-ҳаракатлари натижасида жиноятчилик ишлари барҳам топмоқда. Юқоридаги фактлардан ҳам кўриниб турибдики, жиноятчиликка ҳеч қачон шафқат бўлмайди. **Малик НУРИДИНОВ, Шавкат АБДУЛЛАЕВ.**

Фахрия

ЗАРНОМАЛАР ТУЗГАН ЮРТ

Соҳибқирон ботирлари зафар кучиб кезган юрт, Имомлари ҳадис тўлаб зарномалар тузган юрт, Термизийдек боболари солномалар ёзган юрт, Самодаги юлдузларни бир жадвалга тизган юрт, Аждодларим хоки пойи Буюк ипак йўлидир, Ўзбекистон Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Нил дарёда иншоотлар Фарғонийдан эсдалик, Бухорода камол топди Қутлуг хати насталик, Ибн Сино даҳосидан чекинди кўп хасталик, Берунийнинг ҳисоби-ла ер ҳам камарбасталик, Бу ўлканинг фарзандлари доно, қони билимдир, Ўзбекистон Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Истиқлолга етишди ҳам қўшилди Олий сафга, Саҳрадаги тўлиқ эрур олтин, илми, садафга, Пархаснинг донги кетган етти икки тарафга, Оллоҳ насиб этди уни бундай улуг шарафга.

Юртбошиси одил, халқи зуқко менинг элимдир, Ўзбекистон Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Шаҳарларини обод айлаб, келинчакдек безатган, Ноз-неъматни сероб этиб, дастурхонини тузатган, Дўстларини тўйга чорлаб, гулдасталар узатган, «Мархабо» деб меҳмон кутиб, «Оқ йўл» тилаб кузатган, Навоийдан мерос бўлган, ўзбекона тилимдир, Ўзбекистон Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Парвардигор қудратини яна қилди намойён, Шу гўшага назар солди, сақлади дорул омон, Қайтиб келди шонли тарих, қайтди эркинлик, иймон, Шу заминга шому саҳар таъзимда бўл Сулаймон, Ўтмиши ҳам, келажаги сенинг жону дилингнидир, Ўзбекистон Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Сулаймон ҚЎЗИЕВ.

4-саҳифага хабарлар

Ўқувчилар сиртқи мактаби

Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма бўйруғи асосида иқтидорли ўқувчилар сиртқи мактабини очишга қарор қилинди. Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатадиган бу билим даргоҳи фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам тайёрланди.

Сиртқи таълимга мактабларнинг 7-11-синф, шунингдек, ўрта махсус, ҳунар-техника таълими муассасаларининг иқтидорли толиби илмлари танлов асосида қабул қилинади.

Ўқув жараёни бир йилдан беш йилгача давом этади. Ҳар ўқув йили икки семестрдан иборат қилиб белгиланди.

Кўрилган бу тадбир ёшларнинг таълим олишларида қўлайлик туғдирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«ТЕЛЕТИББИЁТ»

ДАРСЛИГИ

Афина тиббиёт университетининг профессори Д.М.Сотиреоу телетиббиёт хизматининг йирик мутахассиси сифатида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигида шифокорлар билан учрашди. У Финландия ва Буюк Британия олимлари билан ҳамкорликда яратган телетиббиёт ўқув дарслигини ўзбек ҳамкасбларига тақдим этди.

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти олимлари самарали изланишлари тўғрисида маъдан конларини аниқлашнинг янги статистик истиқболли усули юзга келди. Бу тадқиқотни амалга оширишга хизмат қилувчи компьютер технологияси ҳам яратилди.

Муҳим геологик ўлчов воситаси асосида геологик, геофизик ва геокимёвий маълумотлар мажмуи бўйича Томдидов маъдан конини олдиндан башорат қилувчи махсус харита тузилди.

А.АЛИЕВ.

Эғнидаги оқ халати сингари қалби ҳам беғубор шифокорлар хақида ҳар қанча тўлиб-тошиб гапириб мумкин. Абдуманнон Бобомуродов эса тажрибали мураббий сифатида ҳам эл ҳурматиға сазовор бўлганлардан. Чорак асрки, у Шахрисабз тиббиёт билим юрти талабаларига сабоқ бериб келмоқда. Айни пайтда мазкур илм масканида икки мингдан зиёд талаба бўлиб, уларга юздан зиёд ўқитувчи таъаббат олами сирларини кунт билан ўргатмоқда.

САЛОМАТМИСИЗ — БАХТИНГИЗ ШУ!

— Абдуманнон Бобомуродовдан инсонийлик, омма билан мулоқот сингари фазилатларни ўргандим, — дейди ёш ўқитувчи Саъдулла Адамов. — Абдуманнон ака кўплаб ўқув қўлланмалари муаллифи ҳам. Асаб ва руҳий касалликларига оид янги қўлланма устида иш олиб боришда устоз яқиндан кўмак бераётир.

— Билим юрти ўқитувчилари орасида Абдуманнон Бобомуродовнинг алоҳида ўрни бор, — дейди ўқув-амалий ишлари бўйича директор ўринбосари Алишер Мадатов. — Талабаларга талабчанликни, ҳар бир дарс устида чуқур мушоҳада юритиш ҳамкасбларга ҳурматни ундан ўрганиш керак. Раҳматли оталари Абдусами ака ҳам кўп йиллар халқ таълими соҳасида ишлаган эдилар. Ўнлаб шоғирлар тайёрлаган Абдусами отанинг мураббийлик ҳислатлари ўғлига ўтган бўлса, ажаб эмас.

Юқорида айтилганидек, Абдуманнон Бобомуродов бир неча ўқув қўлланмалар муаллифи. Унинг тиббиёт билим юрти ўқитувчилари билан ҳамкорликда тайёрлаган «Бронхиал астма касаллиги бўйича назария ва амалий машғулотлардан ўқув-услубий қўлланма», «Назарий ва амалий машғулотларда

талабалар билимини аниқлашнинг замонавий усуллари», «Ҳамширалик ишида шошилиш ёрдам кўрсатиш» сингари ўқув қўлланмалари алоҳида китоб ҳолида чоп этилган бўлса, «Ҳамширалик иши»да эмлаш ва муолажа ишлари», «Талабаларнинг синфдан ташқари ишлари» ўқув қўлланмалари нашрдан чиқиш арафасида.

Бобомуродовлар оиласида шифокорлар сулоласига асос солиняпти, десак муболага бўлмайди. Укаси Абдусами асаб касалликлари бўйича шифокор. Турмуш ўртоғи Шаҳзода Жумабоева, қизи Дилафрўзлар ҳам шифокорлик касбини танлашди.

— Онам бетоб бўлиб шифохонада кўп давомландилар, — дейди Абдуманнон ака. — Даволаш учун дадамнинг шифокорларга кўп марта мурожаат қилганликлари кўз ўнгимдан кетмайди. Унда мен ёш бола эдим. Шифокорларнинг бемор атрофида олиб-югуришлари, уларнинг ширин сўзлиги оҳанрабодек мени ўзига ром этди. Катта бўлсам шифокор бўламан, деб орзу қилардим. Шукрки, ниятимга етдим.

Билим юрти касабаси уюшма кўмитаси раиси Хусан Пардаев, талабалар касабаси сардори Аликул Муҳиддиновларнинг ҳамкорлиги жамоа шартномаси ҳар бир

Ибрат

бандининг бекаму кўст бажаришини таъминлаётир. Билим юртида 320 ўринли ётоқхонада талабалар учун шарт-шароитлар муҳайё. Талабалар назарий билан

лимларини амалиётда қўллаш учун вилоят тугаллаган собиқ талабаларидаги шифохоналарда муваффақият билан амалий машғулотлар ўтказмоқдалар. Абдуманнон Бобомуродов раҳбарлик қилаётган «Ҳамширалик иши» бўлимида таҳсил олаётган 781 нафар талаба пухта билим олиши учун ўқув-услубий ишлар яхши йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур билим юртини тугаллаган собиқ талабалар айни пайтда «Ҳамшира» кўрик-танловларида фаол иштирок этишмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам кенг.

— Ҳамкасбимиз Абдуманнон Бобомуродов Самарқандда ўтказилган республика тиббиёт билим юртлари ўртасида ўтказилган «Чекиш соғлиққа зарар» мавзусидаги маърузаси учун 1-даражали диплом билан тақдирланганлиги жамоамизга берилган мукофот деб биламиз, — дейди тиббиёт билим юрти бўлим бошлиғи Эшонкул Холмаматов. — У касабаси уюшмаси тафтиш комиссияси раиси сифатида ўқитувчиларни ижтимоий Ҳимоялашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

«5-ТАКСИСАРОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ

24 август 2001 йилдаги умумий йигини протоколи ва Давлат мулк кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 28.08.2001 йилдаги №1-368к-ПО қарори асосида «5-Таксисарой» ОАЖнинг 1.04.98 йилдаги №14-1-63/ДП эмиссия проспектига қуйидаги тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини маълум қилади.

II Бўлим, 2, 4-пункт, 1-сўзбоши қуйидаги тахрирда ўқилсин:

Акциядорлик жамияти акциялари пакетини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.03.2001 йилдаги №119 қарорига мувофиқ қайта тақсимлаш.

Жами	Давлат улуши	Меҳнат жамоаси улуши	Хорижий инвесторлар улуши	Эркин савдодаги улуш
100%	25%	9,4%	25%	40,6%
73495 та	18374 та	6929 та, ундан 39 таси имтиёзли хусусий акциялар	18374 та	29818 та. Ундан 483 таси
7349500 сўм	1837400 сўм	692900 сўм	1837400 сўм	2981800 сўм

Акция пакетлари тўлиқ жойлаштирилган. «5-Таксисарой» ОАЖ Бошқаруви.

Теннис бўйича «Президент Кубоги» халқаро турнири кундалиги

Ватанимиз мустақилликнинг 10 йиллик тўёналари билан сармаст ушбу кунларда пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуининг замонавий теннис кортларида теннис бўйича «Президент Кубоги» саккизинчи халқаро турнири беллашувлари бошланди.

ДАНИЕЛ ВАЦЕК: ТУРНИР НУФУЗИ ОРТМОҚДА

Фахр ила таъкидлаш лозимки, турнир нуфузи тобора ошиб, дунё теннис мусобақалари ичида юксак мавқега эга бўлиб бораётир. АТП Тур мусобақалари рейтингидан икки мартаба «Йилнинг энг яхши мусобақаси» деган номга сазовор бўлиши, йилдан-йилга, турнирдан-турнирга унга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги — жаҳоннинг уста теннисчилари «Президент Кубоги»да қатнашишни ихтиёр этаётганлиги, турнир баҳсларини ёритиш учун кўплаб хорижий давлатлардан оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг ташриф буюраётганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Шунингдек, юртимизда кўплаб ёш, иқтидорли теннисчиларнинг камол топаётганлиги ҳам турнир ютуқлари сирасига қиради. Бинобарин, жаҳон Сассон Какшури турнирининг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, Ўзбекистон бугун Осиёнинг энг тақчи теннис мамлакатига айланди.

Турнир очилишига бағишланган тантаналардан сўнг асосий босқич беллашувларини юртимиз «олтин копток» илосман-дларига яхши таниш бўлган германиялик Николас Кифер ҳамда чехиялик Даниел Вацеклар бошлаб беришди. Учрашув тажрибали немис теннисчиси Н.Кифернинг шиддатли тўп узатишлари,


явлари мобайнида тўрт мартаба беллашишган уларнинг барчасида Н.Кифернинг қўли баланд келган эди. Ушбу муваффақият Даниел Вацекнинг не-

га ишонмаслик, бироз асабийлик ҳолатлари сезилиб қолди. Айтганча, яна бир нарсаси. Бугун мухлислар мени кўпроқ кўлаб-қувватлашди, деб ўйлайман. Бунинг учун уларга катта миннатдорчилик билдираман.

— Турнирда иккинчи марта иштирок этишингиз, Тошкентда иккинчи бор бўлишингиз. Қандайдир ўзгаришларни сездингизми? — Ҳа, албатта. Тошкентда жуда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳрингиз қиёфаси янада гўзаллашди. Турнир хусусида тўхта-ладиган бўлсам, мен унинг ташкилотчиларидан розиман.

Шу кунги ўтказилган Т.Дент (АҚШ) ва Ж.Симеринк (Нидерландия) баҳсида океан орти юрти вакилига омад қўлиб боқди. Ҳаёт кескин ўтган беллашувда 7/6 (8), 7/5 ҳисоби қайд этилди. Ўтган турнирларда мухлислар меҳрини қозongan словакиялик ракетка устаси Ян Крослак рақиби Мишел Краточвил устидан осонгина галаба қозонди: 6/2, 6/3. Германиялик Райнер Шуттлер ва россиялик Андрей Столяров ўртасидаги баҳс 6/2, 6/3 ҳисобида ниҳояланди. 1999 йилги мусобақалар кашфётига айланган Швеция теннисчиси Жорж Бастини саралаш босқичида доғда қолдирган финляндиялик Томас Кеттола эса Кристан Плессега имкониятни бой бериб қўйди: 6/2, 6/3.

Мусобақалар давом этмоқда. Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч»нинг спорт шарҳловчиси.



ҲАР СЎЗДА БИР ҲИКМАТ

«Адмирал» нима дегани — биласизми? Бу сўз «амир ал бахр» деган арабча иборадан олинган бўлиб, «денгиз амири», яъни «денгиз ҳокими» деган маънони билдиради.

«Адмирал» иборасини биринчи бор итальянлар XVII асрда ишлатганлар. Сўнгра бу сўз Европа бўйлаб тарқалган.

Дарвоқе, денгизчилар ўртасида шундай бир матал ҳам бор: адмирал бўлишни орзу қилмаган ҳеч бир денгизчини яхши денгизчи деб бўлмайди.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!



Савдолар 2001 йил 10, 17, 24 октябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносидан ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:

- Тошкент вилояти, Қўрай тумани, ТошГРЭС посёлкасида жойлашган «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Тошкент гидроэлектр станциясига қарашли Санаторий-профилактория. Бошланғич баҳоси-527 470,0 АҚШ доллари (179 308,246 минг сўм)
- Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани «ТошГЭС» микрорайонида жойлашган «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Энергетик» маданият саройи. Бошланғич баҳоси-203 224,0 АҚШ доллари (69 084,304 минг сўм).
- «Ўзимёсанот» Давлат акциядорлик компанияси таркибидаги «Аммофос» ИЧБ га қарашли объектлар: 1. Олмалик шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган «Химик» маданият саройи. Бошланғич баҳоси-107997,2 минг сўм.
- Олмалик шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган «Кимёгар» меҳмонхонаси. Бошланғич баҳоси-100 000,0 минг сўм.
- Олмалик шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган Профилакторий. Бошланғич баҳоси-73573,0 минг сўм.

Мазкур кўчмас мулк объектларига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75. Факс: 136 06 17

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топшириш 23.15

Максилмиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеридан терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.